

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЛОБАЛ МАСАЛАЛАРИ

Ботир Шукуриллаевич Усмонов

Тошкент кимё технология институти ректори, п.ф.д., профессор

Улугбек Нарбаевич Балтабаев

“Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” факултети декани, т.ф.ф.д., доцент

Эрмат Шерматович Санаев

Тошкент кимё технология институти “Гўшт-сут ва консерва маҳсулотлари технологияси”  
кафедраси мудири, т.ф.ф.д., доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7112424>

**Аннотация.** Сайёрамиз аҳолиси 8 миллиард нафардан оишган ҳозирги пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши минтақавий хавфсизликдан кам аҳамиятга эга эмас. Ахир, доно ҳалқимиз топиб айтганидек, “Томоқни ямаб бўлмайди”. Бунинг маънисини тўқчиликда улгайган бугунги авлод у қадар теран англамас. Аммо йўқчилик ва қаҳатчилик азобини тотган катта авлод эса ўз таналарида чуқур ҳис этадилар... Чунки улар қорни оч одам таомдан бошқа нарсадан ҳузур-ҳаловат топмаслигини жуда яхши биладилар. Шукурки, бугун фарогатчилик, юртимиз бозорлари-ю, катта-кичик савдо тармоқлари истеъмол неъматлари билан тўла. Бироқ бу тўкинлик хотиржамлика асос бўла олмайди. Бутун дунёда кузатилаётган иқтисодий чекловлар, экспортга қўйилаётган чегаларлар-буларнинг оқибатида қўплаб жойларда муҳим истеъмол товарлари етишимовчилиги, нархларнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Халқаро эксперталар прогноз қилишиларича, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши мумкинлиги таъкидланган[1]. Айнан шу ва шу каби муаммолар, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида глобал масала сифатида кўтарилди.

**Калим сўзлар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат танқислиги, чекловлар, глобал муаммолар.

## ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

**Аннотация.** В настоящий момент, когда население планеты превышает 8 миллиардов человек, обеспечение продовольственной безопасности не менее важно, чем региональная безопасность. Ведь, как говорят наши мудрецы, «Горло не исправишь». Смысл этого не так глубоко понят нынешним поколением, выросшим на ткацком деле. Но старшее поколение, пережившее нищету и голод, глубоко ощущает это своим телом... Потому что прекрасно знает, что голодный человек не может найти утешения ни в чем, кроме еды. К счастью, современные развлечения, рынки нашей страны, крупные и мелкие торговые сети полны товаров народного потребления. Однако это изобилие не может быть основанием для самоуспокоенности. Глобальные климатические изменения, политическая нестабильность в некоторых странах, введенные экономические ограничения, лимиты на экспорт – в результате этого во многих местах возникает дефицит важных потребительских товаров, а цены на них растут. По оценкам международных экспертов, цены на продукты питания в мире в этом году могут вырасти не менее чем на 20% [1]. Эти и подобные им проблемы были подняты в качестве глобальной проблемы на Самаркандинском саммите Шанхайской организации сотрудничества.

**Ключевые слова:** продовольственная безопасность, дефицит продовольствия, ограничения, глобальные проблемы.

## GLOBAL PROBLEMS OF FOOD SECURITY

**Abstract.** At the moment, when the world's population exceeds 8 billion people, ensuring food security is no less important than regional security. After all, as our sages say, "You can't fix your throat." The meaning of this is not so deeply understood by the current generation, who grew up in weaving. But the older generation, who survived poverty and hunger, deeply feels this with their bodies ... Because they know perfectly well that a hungry person cannot find solace in anything but food. Fortunately, modern entertainment, the markets of our country, large and small retail chains are full of consumer goods. However, this abundance cannot be grounds for complacency. Global climate change, political instability in some countries, economic restrictions imposed, export limits are causing critical consumer goods to become scarce in many places and their prices to rise. According to international experts, food prices in the world this year can grow by at least 20% [1]. These and similar problems were raised as a global issue at the Samarkand summit of the Shanghai Cooperation Organization.

**Keywords:** food security, food shortage, restrictions, global problems.

## КИРИШ

Ўзбекистон охирги бир йилда ШХТ маконида ҳамкорликнинг биринчи шарти бўлган ўзаро ишонч руҳини уйғотиш ва мустаҳкамлаш йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, Раислик режасини тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон Дунёнинг дикқат марказида бўлди. Юртимиз охирги уч йилдаги энг йирик тадбир-Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитига мезбонлик қилди. Юксак даражада ўтказилган мазкур йирик форумнинг нуфузи нечоғлик юқори эканлигини тасаввур қилиш учун биргина факт, яъни саммит ишида 15 га яқин давлат раҳбарлари ва 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар етакчилари иштирок этганини келтириш кифоя. Қолаверса, у бир неча йиллик "пандемия танаффусидан" сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги дастлабки юзма-юз мулоқот эканлиги, унинг доирасида 40 дан ортиқ давлатлараро ҳужжатлар қабул қилингани саммит аҳамияти нақадар улкан эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, таъбир жоиз бўлса, уни янги босқичга олиб чиқишига хизмат қиласди.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

**Мавзуни назарий асослаш:** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти" (FAO) томонидан таъкидланишича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли микдорда хавфсиз озиқавий маҳсулотлар билан таъминланишини англатади. Озиқ-овқат хавфсизлиги кишиларнинг фаол ва соғлом ҳёт кечиришлари учун зарур бўлган хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан ҳар бир даврда етарли микдорда эришиш мумкин бўлган ҳолат деб таърифланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги жуда кенг тушунча бўлиб, биринчи навбатда мустақил давлатнинг бошқа давлатларга айнан озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан боғлиқ, яъни

тобе эмаслигини билдиради. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мос равишда истеъмол товарлари билан етарли даражада таъминлашни назарда тутади. Ҳар бир мамлакатда миллий иқтисодиётининг ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этилиши, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамланишига кўплаб омиллар қаторида озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мухим йўналишлар жумласига киради.

**Мавзунинг долзарбилиги ва вазифалари:** озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, маҳсулотларни етиштириш миқдор кўрсаткичларига, қайта ишлаш шароитларига, тармоқ маҳсулотларининг сифатига, сақланиши, агротехнологик жараёнларни бориши, шунингдек, бозорларда маҳсулотларнинг доимийлигини таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда маҳсулотлар сифатини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш масалалари мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4059-сонли қарорида бу борада жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган ва тизимни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган. Мазкур қарорда стандартлаштириш соҳасидаги норматив хужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш даражасини 2023 йилга бориб 80 %га етказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилиб, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан мунтазам таъминлаш, ишчи истеъмол бозорини йил давомида мева ва сабзавот билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташки бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва ҳарид қилиш бўйича ягона тизим яратилди. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилишни таъминлаш;

- маҳаллий стандартларни халқаро ISO 9001, “НАССР”, ISO 22000, Global G.A.P, “Hallal” ва organic стандартларга уйғунлаштириш ва улар асосида сертификатлаштириш тизимини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентлар ишлаб чиқиши.

Ҳозирда ушбу вазифалар бўйича юртимизда 13 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарда Global G.A.P ва organic стандартлари жорий

этилди. Техник регламентлар сони ҳозирги кунда 50 дан ошди. Ўзбекистонда Сифат тизими (ISO 9001, ISO 22000 ва бошқ.) сертификатлаштирилган ва Давлат реестрига киритилган корхоналар сони 11200 дан ортиқни ташкил этмоқда.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

**Глобал муаммолар ва уларнинг мухокамаси:** Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ саммитининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисидаги нутқида дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайганига яна бир бор ургу берди.“Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқиёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда. Ташкилотимиз фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоён этмоқда”, деди давлатимиз раҳбари.

Хавфсизлик масалалари бўйича кўтарилилган масалаларда, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик муҳитининг таъсири, аввало, савдо-иктисодий соҳаларда кўзга ташланади. Мана, Дунёning турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар охир-оқибатда савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада кескинлаштируммоқда.

Айтиш жоизки, сайёрамиз аҳолиси 8 миллиард нафардан ошган ҳозирги пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш минтақавий хавфсизликдан кам аҳамиятга эга эмас. Ахир, доно ҳалқимиз топиб айтганидек, “Томоқни ямаб бўлмайди”. Бунинг маънисини тўқчиликда улғайган бугунги авлод у қадар теран англамас. Аммо йўқчилик ва қаҳатчилик азобини тотган катта авлод эса ўз таналарида чукур ҳис этадилар... Чунки улар қорни оч одам таомдан бошқа нарсадан ҳузур-ҳаловат топмаслигини жуда яхши биладилар.

Шукурки, бугун фароғатчилик. Юртимиз бозорлари-ю, катта-кичик маркетлар истеъмол неъматлари билан тўла. Бироқ бу тўкинлик хотиржамликка асос бўла олмайди. Бутун дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, айrim давлатлардаги сиёсий бекарорликлар, жорий этилаётган иқтисодий чекловлар, экспортга қўйилаётган чегаларлар-буларнинг оқибатида кўплаб жойларда муҳим истеъмол товарлари етишмовчилиги, нархларининг ўсиб бориши кузатилмоқда. Халқаро экспертлар прогноз қилишларича, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши мумкин.

## МУҲОКАМА

Ҳозирги глобаллашув ва кучли иқтисодий интеграция шароитида глобал аҳамиятга эга бўлмаган масалалар деярли йўқ. Муаммо қандай кўринишда бўлмасин, таъсири албатта сезилади. Инчунун, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳам.

Халқаро агентликлар хабарига қараганда, бу йилги дехқончилик мавсумида Европа мамлакатларида кузатилган қурғоқчилик ва Украина инқирози туфайли таҳминан 3 миллион тонна дон йўқотилган. Қурғоқчилик оқибатида буғдой ҳосили - Венгрия 11 фоиз, Руминия 20 фоиз, Болгария 11 фоиз камайган. Франция, Польша, Молдава ва ҳатто Италияда ҳам ғалла ҳосилининг катта қисми бой берилгани ойдинлашмоқда.

Кишлоқ хўжалигига кузатилган яна бир муаммо-азотли ўғитлар тақчиллиги ва уларнинг нархи ошиб кетганлигидир. Бу нафақат Европа, балки Осиё мамлакатларида

иккинчи экин бўлган шоли етишириш ва унинг ҳосилига хавф туғдирмоқда. Масалан, Таиландда шолизорларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг имкони бўлмаяпти. Хитой ва Хиндистонда ҳам деярли шунга ўхшаш вазият. Бу каби омиллар таъсирида дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши кутилмоқда[2]. Украинадаги вазият эса буни янада мураккаблаштириши турган гап.

Тасаввур ҳосил қилишингиз учун БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳисоботидан айрим ракамларни келтирамиз. Унда айтилишича, шу пайтгача жаҳон бозорига кунгабоқар ёғининг 46 фоизи, буғдойнинг 9 фоизи, арпанинг 17 фоизи, маккажўхорининг 12 фоизи Украина томонидан етказиб берилиган. Бошқача қилиб айтганда, кунгабоқар ёғи экспортининг 73 фоизи, буғдойнинг 33 фоизи, арпанинг 27 фоизи Украина ва Россия улушига тўғри келган

Президентимиз ШХТ Самарқанд саммити иштирокчиларнинг эътиборини ШХТ майдончасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаганига қаратди. Яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалиги экинларини етишириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арzon озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, “яшил” ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга чақирди. Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни таклиф этилди[3].

## ХУЛОСА

Озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат Шанхай хамкорлик ташкилотининг, қолаверса бутун Дунё ҳамжамиятининг олдидаги долзарб масала эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Юқорида таъкидланган масалалар, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг хавфсизлиги масаласи, Тошкент кимё-технология институтининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” факултетида, тахсил олувчи талабаларнинг ўкув дастурига киритилган ва бугунги кунда “Дон, нон, макарон, қандолат маҳсулотлари технологияси ва уларнинг хавфсизлиги, “Гўшт-сут ва консерва маҳсулотлари технологияси” каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва республикамиз учун етук мутахассисларни тайёрлаш, уларни амалий ва назарий қўнималарини шакллантиришда, замон талабларига мос равишда тайёрлаш йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси администрацияси томонидан 2021 йил январдаги №02-РА 1-1844 сонли таклиф ва Тошкент кимё - технология институти хамкорлигига республикамизда фаолият юритиб келаётган соҳа саноат корхоналарида янги технология ва ускуналар билан жихозланган корхоналарда, талабаларни бевосита амалиёт ўташлари, профессор ўқитувчиларни стажировкага юбориш орқали, озиқ - овқат саноатини турли жабхаларини, хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ГОСТ ва сифат кўрсатгичларини, маркетинг тизими, жаҳон бозорига чиқиш қаби масалаларни ечишда дастур бўлиб келади[4]. Талабаларга озиқ-овқат хавфсизлиги, функционал овқатланиш йўналишларида, маъруза, амалий машғулот ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш дарслари ташкил этилган. Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг Самарқанд саммитида озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласида қўйилган вазифалар ва уларнинг ижросини самарали таъминлаш, институтнинг ўкув, илмий-тадқиқот ва халқаро қўшма

дастурларида бажарилишига, институт раҳбарияти томонидан барча имкониятлар яратилган [5].

## REFERENCES

1. Review.uz(<https://review.uz/oz/post/shht-samarqand-sammiti-ozbekiston-diplomatiyasining-yorqin-galabasi>)
2. Санаев, Э. Ш., Рахимов, Д. П., & Мардонов, Н. Р. (2022). КАКАО ЎРНИНИ БОСУВЧИ ХОМАШЁЛАРГА БОЗОР ТЕНДЕНЦИЯЛАР. *Science and innovation*, 1(А3), 354-359.
3. <https://sputniknews-uz.com/> ШХТ-2022: Самарқанд саммити Самарқанд 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) давлат раҳбарлари кенгаси мажлисига мезбонлик қиласди.
4. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишининг гаровидир. БШ Усмонов, ФХ Рахимов Таълим, фан ва инновациялар, 6-10
5. Human.uz Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига Тошкент кимё-технология институти профессор-ўқитувчиларидан муносабат.